

Одамлар бошига бир замон келадики, ... | Сийрат дарслари (343-дарс)



19:00 / 29.08.2025 1499

734. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамлар бошига бир замон келадики, унда қотил нима учун қатл қилганини ва мақтул нима учун қатл қилинганини англамайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

735. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одамлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан яхшилик ҳақида сўрашар эди. Мен ўзимга етиб қолмасин деб хавфсираб, ёмонлик ҳақида сўрар эдим. Шунда у зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз жоҳилиятда ва ёмонликда эдик. Шунда Аллоҳ бизга ушбу яхшиликни келтирди. Ушбу яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Ўша ёмонликдан кейин яна яхшилик борми?» дедим. **«Ҳа. Унинг тутуни ҳам бор»**, дедилар. «Унинг тутуни нимадир?» дедим. **«Ҳидоятсиз йўл бошлайдиган қавмдир. Улардан (баъзи нарсаларни) ёқтирасан ва (баъзи нарсаларни) инкор қиласан»**, дедилар. «Ўша яхшиликдан кейин ёмонлик борми?» дедим. **«Ҳа, жаҳаннам эшигида турган даъватчилар. Уларга ким ижобат қилса, унинг ичига отишади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, уларни бизга сифатлаб беринг», дедим. **«Улар**

Ўзимизнинг қавмдандир, ўзимизнинг тилимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишимга буюрасиз?» дедим. **«Мусулмонлар жамоасини ва уларнинг имомини лозим тутасан»,** дедилар. «Агар уларнинг жамоаси ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?!» дедим. **«Агар дарахтнинг томирини тишлаб бўлса ҳам ўша фирқаларнинг баридан четда бўл! Сенга ўлим келганда ҳам ўшал ҳолда бўлишга ҳаракат қил!»** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

736. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Иблис тахтини сувнинг устига ўрнатади. Сўнгра гуруҳларини юборади. Энг катта фитна чиқарувчиси унга мартабаси энг яқини бўлади. Улардан бири келиб: «Уни қилдим, буни қилдим», дейди. «Ҳеч нарса қилмадинг!» дейди у. Сўнгра улардан бири келиб: «Хотини билан орасини бузмагунимча уни тарк қилмадим», дейди. Шунда уни ўзига яқинлаштириб: «Сен қандай ҳам яхшисан!» дейди. Аъмаш айтди: «Менимча, «Шунда уни қучоқлайди», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

737. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким бизга қарши қурол кўтарса, биздан эмас. Ким бизни алдаса, биздан эмас».**

Муслим ривоят қилган.

738. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким мутаассибликка чақирган ёки мутаассибликка ёрдам берган ҳолида залолат байроғи остида қатл қилинса, жоҳилият қатли билан қатл қилинган бўлади».**

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.

